БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 125 (18.303). • Жума, 1982 йил 28 май • Баҳоси 3 тийин.

ИНДУСТРИЯМИЗ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг давж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва энг муҳим буюм турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1982 йил январь-май планини 27 майда бажардилар.

Кўмир, нефть қазиб чиқариш, машинасозлик бир қанча маҳсулот турларини, минерал ўғит, химиявий тола, цемент, пайпоқ ва трикотаж маҳсулотлари, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва бошқа турдаги буюмлар ишлаб чиқариш юзасидан беш ойлик план ошириб бажарилиши кутилмоқда. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ 1982 ЙИЛДА МЕВА САБЗАВОТЧИЛИК ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЛАР, РАЙОНЛАР ВА ХЎЖАЛИКЛАР УЧУН ҚЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум ва полиз маҳсулотларини белгиланган муддатларда ва зарур ассортиментда сотиш соҳасида юксак кўрсаткичларга эришган илғор областлар, районлар ва хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида 1982 йил учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини таъсис этишга қарор қилдилар:

Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун иккита байроқ;

районлар учун учта байроқ, шу байроқлардан бири мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган районга берилади;

колхозлар учун иккита байроқ;

совхозлар учун учта байроқ, шундан иккита байроқ Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг совхозларига берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини ҳар ойги иш якунлари юзасидан 1982 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ва Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг тақдимига биноан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай беришга қарор қилинди.

Кўчма Қизил байроқларни олган хўжаликларни ва мева-сабзавотчилик илғорларини рағбатлантириш учун Қорақалпоғистон АССРга ва областларга 1000 сўмдан, районларга 500 сўмдан, колхоз ва совхозларга 250 сўмдан мукофот пули берилади.

«Ўзбекбирлашув»га мева-сабзавотчилик илғорларига енгил автомашиналар сотишни ташкил этиш топширилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Қишлоқ хўжалигини ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни яхшилаш тўғрисида» ҳамда «Иқтисодий механизмни такомиллаштириш ҳамда колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш тадбирлари ҳақида» қарорлар қабул қилдилар. Қарорлар КПСС Марказий Комитетининг шу йил 24 май куни бўлиб ўтган Пленумида тасдиқланган. Қуйида шу қарорларнинг баёни эълон қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни яхшилаш тўғрисида

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, ҳозирги аграр сиёсат асосларини яратган КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленумидан кейин мамлакатда қишлоқ хўжалигини ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш, озиқ-овқат етиштиришни ўстиришни кўпайтириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Шу вақт ичида қишлоқнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, қишлоқ хўжалиги индустриал ривожланиш йўлига мустаҳкам ўтиб олди. Колхоз ва совхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини бир-бирига яқинлаштириш борасидаги тадбирлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни индустриалаш борган ва қишлоқда ихтисослашиш ривожлана борган сари колхоз ва совхозларни моддий ресурслар билан таъминловчи техникани ремонт қилиб, унга хизмат кўрсатувчи, ўғитлар солувчи, мелиорация ишларини ўтказувчи, қурилиш ишларини олиб борувчи, маҳсулотни ташувчи, сақловчи ва қайта ишловчи корхоналар ҳамда ташкилотларнинг кенг тармоғи вужудга келди.

Қарорда қишлоқ хўжалигини, агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришдаги камчиликлар қайд этилади. Таркиб топган бошқарув системаси ҳаддан ташқари катталашиб, тарқоқ бўлиб қолди. бошқарув аппаратининг сони асоссиз равишда кўпайиб кетди. Тармоқ ва территориал бошқарув принципларини қўшиб олиб бориш зарурлиги ҳамма жойда ҳам таъминланаяпти, деб бўлмайди. Хўжаликларнинг талайгина қисми область, республика ва районлараро органларнинг, кўпдан-кўп трестлар ва бирлашмаларнинг қарамоғида бўлиб, район бўғини заифлаштириб юборилган.

СССР «Госкомсельхозтехника»си, «Союзсельхозхимия», СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг корхоналари ва ташкилотлари, қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи қурилиш, тайёрлаш, транспорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар колхоз ва совхозлар билан ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан суст боғлангандирлар.

Бошқарувдаги идоравий тарқоқлик планлаштиришда, моддий-техника таъминотида, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва оқилона жойлаштиришда жиддий камчиликларга олиб келди, қишлоқни комплекс ривожлантириш вазифаларини ҳал этишни мураккаблаштирди, параллелчилик ва такрорлашни юзага келтирди. Колхоз ва совхозларнинг фаолияти ҳаддан ташқари чеклаб қўйилган, раҳбарликнинг иқтисодий методларига зиён етказилган ҳолда маъмуриятчилик кучайиб кетди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида марказда ва жойларда қишлоқ хўжалигини ҳамда агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни янада яхшилаш тадбирлари системасини амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Бу тадбирлар:

социалистик қишлоқ хўжалигининг бош бўғинларидан бўлган колхоз ва совхозларнинг хўжалик жиҳатидан мустақиллиги ҳамда ташаббускорлиги оширилишини, уларнинг самарали фаолияти учун қулай иқтисодий, социал-ташкилий шарт-шароитлар вужудга келтирилишини;

ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлаш ва давлат планларини сўзсиз бажариш учун колхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг иқтисодий активлиги ривожлантирилишини, ишчанлиги ва масъулияти оширилишини;

агросаноат комплексининг барча тармоқлари ва соҳаларида бошқарувнинг иқтисодий методлари изчиллик билан қўлланилишини, уларнинг рентабел ишлаши учун шарт-шароитлар яратилишини;

район бошқарув бўғини мустаҳкамланишини, территориал ва тармоқ бошқарув принциплари оқилона қўшиб олиб борилишини, идоравий тарқоқликка барҳам берилишини, бошқарув аппарати сони қисқартирилишини кўзда тутади.

Агросаноат комплекси министрликлари ва идораларининг, уларнинг маҳаллий органлари ҳамда идораларга бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ресурслардан жуда тўлиқ фойдаланишга, ишлаб чиқариш ва маҳсулот харид қилиш ҳажмларини муттасил ўстиришга, унинг сифатини оширишга, комплекс тармоқларининг юксак даражадаги самарадорлигини таъминлашга куч-ғайратларни сафарбар этиш учун тегишли бошқарув органларини ташкил этиш зарур, деб топилди.

Районда район агросаноат бирлашмасини тузиш кўзда тутилмоқда. Унинг составига колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналар, қишлоқ хўжалигининг бошқа корхоналари, шунингдек уларга хизмат қилувчи ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва маҳсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналар ва ташкилотлар киритилади. Бир қанча районга хизмат қилувчи корхона ва ташкилотлар тегишли юқори органлар билан келишиб олиб, агросаноат бирлашмаси составига қўшилишлари мумкин.

Бирлашмага кирувчи корхоналар ва ташкилотлар хўжалик жиҳатидан мустақиллиги, юридик шахс ҳуқуқини ва идоравий мансублиги сақлаб қоладилар.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, халқ депутатлари район Совети тузадиган бирлашма кенгаши район агросаноат бирлашмаси бошқарувининг олий органи бўлади. Район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи — бирлашма кенгашининг раиси колхоз раислари ва совхоз директорлари, шунингдек агросаноат комплекси бошқарувлари ва тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари халқ депутатлари район Советининг қарорига биноан кенгаш составига киритиладилар.

Бирлашма кенгашининг раиси айни вақтда район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланади. Район қишлоқ хўжалик бошқармасининг аппати бирлашма кенгашининг ишчи аппарати бўлиб, у зир ишлаб турган раҳбарлари қишлоқ хўжалик бошқармаларининг, шунингдек колхозлар ҳамда совхозларга хизмат қилувчи корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сони ҳисобидан тузилади.

Областда, ўлкада, автоном республикада область (ўлка), республика (АССР) агросаноат бирлашмаси ташкил этилади. Область, ўлка, республика (АССР) агросаноат комплекси ташкилотлари ва улар қарамоғидаги корхоналар бирлашмаларининг составига киритилади.

Халқ депутатлари область (ўлка) Совети, автоном республика Олий Совети ташкил этадиган кенгаш область, ўлка, республика (АССР) агросаноат бирлашмасининг олий бошқарув органидир. Область, ўлка, республика (АССР) агросаноат комплекси ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар халқ депутатлари область (ўлка) Советининг, автоном республика Олий Советининг қарорига биноан кенгаш составига киритиладилар.

Бирлашма кенгашининг раиси айни вақтда область ижроия комитети (ўлка ижроия комитети) раисининг биринчи ўринбосари ёки автоном республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

Қарорда кўзда тутилганидек, область, ўлка, автоном республика бирлашмаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари область, ўлка, қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғини, автоном республика қишлоқ хўжалик министрини тайинлайди. Область ижроия комитети, ўлка ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг, автоном республика қишлоқ хўжалик министрлигининг аппарати бирлашма кенгашининг ишчи аппарати бўлиб, агросаноат бирлашмаси составига кирувчи барча ташкилотлар ва муассасалар бошқарув аппаратининг умумий сони ҳисобидан тузилади.

Иттифоқдош республикада иттифоқдош республика Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссияси ёки иттифоқдош республика Министрлар Советининг ҳоҳишига кўра шу масалалар билан шуғулланувчи бошқа органи тузилади. Министрлар ҳамда агросаноат комплексига кирган идоларнинг раҳбарлари, шунингдек республика Министрлар Совети тасдиқлайдиган бошқа мансабдор шахслар комиссия (орган) составига киритиладилар.

Иттифоқдош республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссия (орган)нинг раиси ҳисобланади.

СССР Министрлар Советида СССР Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссияси тузилади. СССР қишлоқ хўжалик министри, СССР мева-сабзавот хўжалиги министри, СССР тайёрлаш министри. СССР гўшт ва сут саноати министри, СССР озиқ-овқат саноати министри, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри, СССР қишлоқ қурилиши министри. СССР қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг раиси, СССР ўрмон хўжалиги давлат комитетининг раиси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Микробиология саноати бош бошқармасининг бошлиғи, шунингдек бошқа мансабдор шахслар СССР Министрлар Советининг қарорига биноан комиссия составига киритиладилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари СССР Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг раиси ҳисобланади.

СССР Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссияси зиммасига:

агросаноат комплексига кирувчи министрликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, улар партия ва ҳукумат қарорларини ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларида белгиланган топшириқларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш, машиналар, асбоб-ускуналар, хиллаш воситалари етказиб бериш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари маҳсулотини ишлаб чиқариш, унинг сифатини ошириш ва истеъмолчига етказиш топшириқларини қандай бажараётганликлари устидан контроллик қилиш;

СССР Госплани мамлакат агросаноат комплексини ривожлантириш соҳасида тайёрлайдиган, шунингдек комплекснинг тармоқлари бўйича тайёрланадиган йиллик, перспектив планларини олдиндан кўриб чиқиш;

(Давоми иккинчи бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАРГА



Аэродромда кузатиш пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Австрия Республикасининг Федерал Президенти Рудольф Кирхшлегер 27 май куни Москвадан Тошкентга жўнаб кетди. У СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Внуково аэродромида Р. Кирхшлегерни самолёт пиллапояси ёнида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико кузатиб қолдилар.

Австрия Президентини СССР Министрлари Б. П. Бугаев, Т. Б. Гуженко, П. С. Плешаков, ТАСС Бош директори С. А. Лосев, Москвасовет ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов, ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Н. Д. Комаров, Чет эллар билан дўстлик совет жамиятлари союзи президиумининг раиси З. М. Круглова, СССР Олий Совети Президиуми Халқаро алоқалар бўлимининг мудири В. Г. Висотин, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Д. С. Никифоров, бошқа расмий кишилар ҳам кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Австриянинг СССРдаги элчихонаси дипломатия ходимлари. Москва меҳнаткашларининг намояндалари бор эди.

Президент шарафига аэродромда Австрия Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари кўтарилди. СССР Қуролли Кучлари уч тури — Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий Денгиз Флоти вакилларининг фахрий қоровули саф тортди. Оркестр иккала мамлакатнинг давлат гимнларини ижро этди.

Л. И. Брежнев билан Р. Кирхшлегер совет жангчиларининг сафлари олдидан ўтдилар.

Тантанали кузатув маросими охирида фахрий қоровул бир текис саф тортиб ўтди.

Мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналар кортежи шаҳардан аэродромга юриб ўтган кўча ва майдонлар Австрия Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари, табрик транспарантлари билан безатилган эди.

Сафарда Австрия Республикасининг Президентига СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Т. Х. Кошоев, СССРнинг Австриядаги элчиси М. Т. Ефремов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. П. Бондаренко, шунингдек Австриянинг СССРдаги элчиси Х. Лидерман ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Р. Кирхшлегер Москвадан жўнаб кетишдан олдин «Инлегмаш-82» халқаро виставкасини бориб кўрди, пойтахтнинг олимпиада объектларини кўздан кечирди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА КУТИБ ОЛИШ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Совет Иттифоқига расмий визит билан келган Австрия Республикаси Федерал Президенти Рудольф Кирхшлегер 27 май куни Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида Австрия Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари кўтарилди. Қадрли меҳмонни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, бошқа расмий кишилар, Тошкент меҳнаткашларининг намояндалари кутиб олдилар.

Р. Кирхшлегер билан бирга мамлакат бўйлаб сафарда унга ҳамроҳ бўлган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. Х. Кошоев, СССРнинг Австриядаги элчиси М. Т. Ефремов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим бошлиғи А. П. Бондаренко, шунингдек Австриянинг СССРдаги элчиси Х. Лидерман ҳам келишди.

Р. Кирхшлегер аэропортдан унга ажратилган қарорғоҳга қараб йўл олди. Мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналар кортежи ўтган кўчалар ва майдонлар Австрия Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан, табрик сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилган.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўрток Юрий Владимирович **Андропов**ни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни СССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси лавозимидан озод қилди.

СССР Олий Совети Президиуми ўрток Виталий Васильевич **Федорчук**ни СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси қилиб тайинлади.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЖАВОБИ

Қуролсизланиш ва хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи мустақил комиссия ишлаб чиққан таклифлар ва тавсиялар, шунингдек мазкур комиссия раиси, Швециянинг таниқли сиёсий арбоби У. Пальменинг мактуби СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга топширилганди. Комиссиянинг таклифлари ва тавсиялари БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессиясига, давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқларига топширилди.

У. Пальме ўз мактубида комиссияга идеологияси ва сиёсий қарашларига кўра, ҳар хил кишилар аъзо бўлиб киргандигини таъкидлаб, ҳамма маъқуллаган ва комиссия тавсиялари ҳамда таклифларига асос қилиб олинган принципиал хулосаларни келтиради. Бу биринчидан, ядро урушида ғолиблар бўлмаслиги, уруш чиқишининг олдини олиш; тинчликни сақлаб қолиш олий масъулият эканлиги тўғрисидаги хулосадир. Иккинчидан, бу — чекланган ядро уруши мумкинлиги хатарли ҳом ҳаёл эканлигига қомил ишонч ва учинчидан, қуролярогларни қўпайтиришга асосланган чўчитиш концепциясини ҳамма учун хавфсизлик доктринаси билан алмаштириш зарурлигига қатъий ишончдир.

Л. И. Брежневнинг У. Пальмега йўллаган жавобида бундай дейилади:

«Мен Сизнинг мактубингиз билан қизиқиб танишдим. Сиз бошчилик қилаётган комиссия киритган таклифлар ва тавсиялар етарлича эътибор билан ўрганиб чиқилади.

Бизнинг аввалги учрашувимиздан кейин ўтган вақт мобайнида Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини чеклашга қаратилган бир қанча муҳим ташаббуслар билан майдонга чиқди. Биз шу соҳадаги куч-ғайратларимизни бундан буён ҳам сусайтирмасликка азму қарор берганмиз. Жумладан, биз БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган II махсус сессияси муваффақиятли ўтиши учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишларни бажариш ниятидамиз.

Биз ўз ташаббусларимизни ўртага қўйиш билан бирга бошқа ҳукуматлар ёки жамоатчилик олга сураётган конструктив таклифларга ҳамиша қулоқ солишга ва уларни ҳисобга олишга тайёрмиз. Сиз бошлиқ комиссиянинг иши тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилади, деб умид билдираман». (ТАСС).

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

КПСС Марказий Комитетида марказий газеталар, журналлар, нашриётлар, ахборот агентликлари, телевидение ва радиоэшиттириш, идеология муассасалари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток Л. И. Брежневнинг докладини тушунтириш ва пропаганда қилиш, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини бажариш соҳасида оммавий ахборот воситаларининг вазифалари муҳокама этилди.

Ўрток Л. И. Брежневнинг революцион назарияни, КПСС ленинча аграр сиёсатини ижодий ривожлантиришга жуда катта ҳисса бўлиб қўшилган докладини партия, бутун совет халқи ғоят маъқуллаб ва баланд руҳ билан кутиб олди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади. Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, И. В. Капитонов қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида асос солинган ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги бир қанча пленумларида ва партиянинг XXIV—XXVI съездларида ривожлантирилган ҳозирги замон аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлиги уқтириб ўтилди. КПСС Марказий Комитети май Пленумининг тарихий қарорлари қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришда янги босқич бўлиб, ўз характери ва миқёси жиҳатидан бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришни таъминлаши керак. КПСС XXVI съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ, ўрток Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган СССРнинг озиқ-овқат программаси мумкин қадар ғоят қисқа муддат ичида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мустаҳкам таъминлашга имкон беради.

Ўрток Л. И. Брежнев докладидаги қоидалар ва хулосаларни, КПСС Марказий Комитети Пленуми қабул қилган хўжжатларнинг мазмунини барча меҳнаткашлар онгига етказиш, озиқ-овқат программасини ва шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорларни амалга ошириш юзасидан ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ўртасида актив пропаганда қилиш ва сиёсий ишларни ривожлантиришга партия ташкилотларига ҳар жиҳатдан кўмаклашиш — матбуотнинг энг муҳим вазифаси эканлиги кенгашда уқтириб ўтилди.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ҳар жиҳатдан ошириш, ердан, ишлаб чиқариш фондларидан, материаллардан, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини ошириш, нобудгарчиликни тугатиш, иқтисод ва тежамкорлик, хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштириш, агросаноат комплексининг ҳамма бўғинларида энг яхши пировард натижаларга эришиш учун умумхалқ социалистик мусобақасининг актив ташкилотчилари бўлишлари керак.

Озиқ-овқат программаси 1982 йилдаёқ ўзининг дастлабки самараларини бериши лозим. Ана шунинг учун ҳам дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар харид қилиш, давлат планларини ҳеч сўзсиз тўла ва ошириб бажаришга, юбилей йили ҳосилини ўз вақтида қайта ишлаш ва тўла равишда сақлашга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш лозим.

Матбуот, радио ва телевидение КПСС Марказий Комитети Пленумининг, ўрток Л. И. Брежневнинг совет халқи фаровонлигини тинмай оширишга қаратилган қарорларини, йўл-йўриқларини амалга ошириш учун ғайрат-шижоат билан курашиши, галлакорлар ва чорвадорлар, механизаторларнинг, шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашлар коллективларининг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаши, уларнинг илғор тажрибасини қунт билан пропаганда қилиши ва жорий этиши лозим.

Район партия комитетларининг, колхоз, совхоз, агросаноат комплекси корхоналари бошланғич партия ташкилотларининг кўп қирали фаолиятини кенг ва сермазмун ёритиш матбуот, телевидение ва радионинг диққат марказида бўлиши керак. Меҳнат самараси, партия томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши ҳал қилувчи даражада уларнинг куч-ғайратига, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишлар бирлигига, одамлар билан ишлай олиш маҳоратига боғлиқдир.

Ҳозирги совет қишлоғининг социал тараққиётини, қишлоқ аҳолисининг уй-жой маиший ва иҳтимоий-маданий шароити қайта қурилганлигини ишончли тарзда тасвирлаб бериш — матбуот ишида муҳим йўналишдир.

СССРнинг озиқ-овқат программасини бажариш умумпартиявий, умумхалқ ишидир. КПСС Марказий Комитети май Пленуми тарихий қарорларини бажариш йўлидаги умумхалқ курашининг биринчи сафларида бўлиш — совет матбуотининг, ҳар бир журналистнинг юксак бурчидир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Бошы биринчи бетда).

СССР Министрлар Советининг топшириқларига биноан агросаноат комплексини янада ривожлантириш масалалари юзасидан таклифларни тайёрлаш вазифаси юкланди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига СССР Госплани, СССР Юстиция министрлиги, СССР Молия министрлиги, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан келишиб олган ҳолда районлар, областлар, ўлкалар ва автоном республикаларда агросаноат бирлашмаларни тўғрисидаги типовой низомларнинг лойиҳаларини тузиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди. Ана шу низомларни ишлаб чиқиш чоғида мазкур бирлашмаларнинг фаолияти озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш, агросаноат комплексидаги барча корхоналар давлат планларини бажарши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш мақсадида агросаноат комплексининг барча тармоқлари пропорционал ва мутаносиб равишда ривожлантирилишини таъминлашга:

колхозлар, совхозлар ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарига кўрсатиладиган хизматни яхшилашга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;

қишлоқ аҳолисининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилашга, қишлоқда замонавий социал инфраструктурани вужудга келтиришга:

Агросаноат комплексининг технологик ва ташкилий бирлигини ҳамда унинг барча тармоқлари ва фаолият турлари пировард натижаларга қатъий мўлжал олишини таъминлашга ёрдам берадиган хўжалик механизмини ва тармоқлараро ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларни муттасил такомиллаштиришга:

ҳар бир меҳнат коллективининг хўжалик ҳисоби асосидаги фаолияти учун барқарор иқтисодий шарт-шароитларини яратишга, ишлаб чиқаришни рентабелли юритиш учун масъулиятни оширишга;

Агросаноат комплексининг тармоқ ва территориал структурасини такомиллаштиришга, меҳнат ресурсларидан, ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантиришга:

ажратилаётган капитал маблағлардан, моддий-техника, меҳнат, молия ресурслари ва бошқа ресурслардан тўғри фойдаланишга, ана шу ресурсларни ҳал қилувчи йўналишларда жамлаш, «танг жойлар»ни ва номутаносибликларни бартараф этиш, зарурлигига асосланишга;

Фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш юзасидан комплекс тармоқлараро программалар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишни ташкил этишга, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган ҳамда ресурсларни тежайдиган принципиал янги технологияларни яратиш ва жорий этишга;

қолоқ тармоқлар, ишлаб чиқаришлар ва корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хўжалик юритишнинг иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштиришга;

зарур резерв фондларни вужудга келтиришга;

гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларини мамлакат озиқ-овқат комплексининг таркибий қисми сифатида ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга;

коллектив бўлиб фойдаланадиган ЭҲМ ягона тармоғи, автомат бошқарувчи системаларни ва иқтисодий-математик методларни кенг жорий этиш асосида агросаноат комплексининг тармоқларига ва корхоналарига ахборот-ҳисоблаш соҳасида хизмат кўрсатиш системасини вужудга келтиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Қарорда агросаноат комплексининг бошқарув органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга деб белгиланган:

Район агросаноат бирлашмаларининг кенгашлари — комплекс тармоқлараро программалар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этишга, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган ҳамда ресурсларни тежайдиган принципиал янги технологияларни яратиш ва жорий этишга;

агросаноат бирлашмаси составига кирган бошқа корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хўжалик юритишнинг иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштиришга;

зарур резерв фондларни вужудга келтиришга;

гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларини мамлакат озиқ-овқат комплексининг таркибий қисми сифатида ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга;

коллектив бўлиб фойдаланадиган ЭҲМ ягона тармоғи, автомат бошқарувчи системаларни ва иқтисодий-математик методларни кенг жорий этиш асосида агросаноат комплексининг тармоқларига ва корхоналарига ахборот-ҳисоблаш соҳасида хизмат кўрсатиш системасини вужудга келтиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Қарорда агросаноат комплексининг бошқарув органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга деб белгиланган:

Район агросаноат бирлашмаларининг кенгашлари — пухта контрол рақамлар асосида белгиланган номенклатурага колхоз ва совхозларнинг план кўрсаткичларини аниқлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти харид қилиш давлат планларининг лойиҳаларини тасдиқлаш учун халқ депутатлари район Советига тақдим этиш:

агросаноат бирлашмаси составига кирган бошқа корхоналар ва ташкилотлар планларининг лойиҳаларини рағбатлантиришга, хўжалик юритишнинг иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштиришга;

зарур резерв фондларни вужудга келтиришга;

колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун ажратилган капитал маблағларнинг лимитларини, бюджет маблағларини ва кредитларни, шунингдек, моддий-техника ресурслари: тракторларни, комбайнлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналарни, асбоб-ускуналар, минерал ўғитларни бинокорлик материаллари ва бошқа материалларни тақсимлаш. Зарур бўлиб қолган ҳолларда агросаноат бирлашмаси составига кирган корхоналар ва ташкилотларнинг розилиги билан моддий-техника ресурсларининг 10—15 процентини улар ўртасида қайта тақсимлаш;

колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг таклифига биноан айрим ишлаб чиқариш хўжалик вазифаларни бажарилишини марказлаштириш. Марказлаштирилган ишлаб чиқариш хўжалик вазифаларни бажарилишини айрим корхоналар (ташкилотлар) қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар уларнинг зиммасига юклаш ёки шу мақсадда хўжаликлараро кооперация асосида ихтисослаштирилган бўлинмалар ташкил этиш;

бирлашма ичидаги корхоналар ва ташкилотлар қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар улар кўрсатаётган хизматлар ва бажараётган ишларга типовой нормативлари нархлар (тарифлар)ни тасдиқлаш, шунингдек колхозлар билан совхозлар бир-бирларига етказиб бераётган чорва мол, ем-хашаннинг, материаллар ва бошқа ресурсларнинг тўлов нархларини белгилаш;

агросаноат бирлашмаси составига кирган колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг таклифлари асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ихтисослаштириш ҳамда жойлаштиришнинг, шунингдек, бу маҳсулотларни қабул қилиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналарни, ремонт-техника устаханаларини, маҳсулот сақланадиган базаларни жойлаштиришнинг перспектив планларини ишлаб чиқиш;

зарур бўлиб колган ҳолларда бирлашма составидаги давлат корхоналари ва ташкилотлари ўзлаштирмаётган капитал маблағларни юқори идора органлари билан келишиб олиб қайта тақсимлаш;

марказлаштирилган моддий рағбатлантириш, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларини вужудга келтириш ҳамда тегишли норматив ҳужжатлар асосида шу фондлардан фойдаланишнинг йўналиши ва тартибини белгилаш;

бирлашма составига кирган совхозлар ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг, улар қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар, раҳбар ходимлари ва мутахассисларини мукофотлаш шартларини типовой низомлар асосида тасдиқлаш.

Областлар, ўлкалар ва автоном республикалар агросаноат бирлашмаларининг кенгашлари —

Область, ўлка, автоном республика агросаноат комплексига кирувчи корхоналар ва ташкилотларни ривожлантириш планининг асосий кўрсаткичларини, шунингдек, районлар ва хўжаликларнинг категориялари бўйича давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш ҳажмларини кўриб чиқиш ва халқ депутатлари область, ўлка совети ижроия комитетига ва автоном республика Министрлар Советига ўз таклифларини киритиш. Капитал маблағлар, моддий-техника ресурслари ва бошқа ресурсларнинг лимитларини агросаноат комплекси тармоқлари ўртасида иттифоқдош республикаларнинг тегишли министрликлари ва идоралари билан келишиб қайта тақсимлаш;

агросаноат комплекси тармоқлари область, ўлка, республика (АССР) ташкилотларининг ва уларга қарашли корхоналарнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва давлат йўли билан харид қилиш, уни умумиттифоқ ва республика фондларига етказиб бериш планларини бажариш, область, ўлка, республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда агросаноат комплекси ишининг бошқа масалалари соҳасидаги фаолияти устидан контроллиқни амалга ошириш;

комплекс озиқ-овқат программаси ва бошқа тармоқ программаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, бунинг учун белгиланган тартибга мувофиқ моддий-техника, молия ресурслари ва бошқа ресурсларни бирлаштириш ёки уларни тегишли фондлардан ажратиб бериш;

айрим бошқарув ва ишлаб чиқариш-хўжалик вазифаларини батамом ёки қисман марказлаштириш ҳамда бу вазифаларни бажаришни бирлашмага кирган айрим корхоналар ёки область ташкилотлари, қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, уларнинг зиммасига топшириш;

халқ хўжалиги манфаатларини, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланишни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш;

хўжаликлараро кооперация асосида омихта ем, маҳаллий бинокорлик материаллари, ишлаб чиқариш-техника бўюмлари, шунингдек халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ва цехларини ташкил этиш.

СССР Госплани, СССР Молия министрлиги, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ва СССРнинг манфаатдор министрликлари ҳамда идораларининг иштироки билан параллел ва бир-бирини такрорловчи бўғинларни тугатишни назарда тутиб ушбу қарорга мувофиқ агросаноат комплекси тармоқларини бошқариш системасидаги ўзгартишлар тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, ўлка, область ва район партия комитетлари, автоном республикаларнинг Министрлар Советларига. ўлка, область ва район ижроия комитетларига, республика (АССР), ўлка, область ва район агросаноат бирлашмаларини хўжалик ишида синалган, бошқарувнинг асосий принципларини яхши эгаллаган, экономикани ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни биладиган ҳамда агросаноат комплекси колхозлари, совхозлари, корхоналари ва ташкилотларига раҳбарликни жиддий яхшилашни таъминлашга қодир бўлган юқори малакали кадрлар билан таъминлаш борасида зарур чораларни кўриш вазифасини юкладилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия, совет ва хўжалик органлари қишлоқ хўжалигини ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришадилар, бу эса СССРнинг озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш, совет кишиларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришни таъминлаш имконини беради, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Иқтисодий механизмни такомиллаштириш ҳамда колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш тадбирлари ҳақида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашдан моддий манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш зарур, деб топдилар.

1983 йил 1 январдан бошлаб корамоллар, чўчқалар, қўйларнинг, сут, дон, канд лавлаги, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш ҳамда паст рентабелли ва зарар кўраётган колхоз ҳамда совхозлар давлатга реализация қилинаётган маҳсулотнинг харид нархларига бир йил ҳисобида жами 16 миллиард сўмлик устама нархларни жорий этиш кўзда тутилган.

СССР Нарх давлат комитетига, СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига ва СССР Молия министрлигига иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари иштирокида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг янги харид нархлари ва уларнинг устама нархлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советларига тақдим этиш топширилди.

Асосий фондлар билан етарлича таъминланмаган ва кенг кўламда такрорий ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун ўз маблағларига эга бўлмаган колхозларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги планда белгиланган харажатларни пул билан таъминлашнинг совхозлар учун амалда бўлган тартиби кўлланиладиган бўлди:

Уй-жой бинолари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, клублар ҳамда бошқа маданий-маиший ва коммунал хўжалик объектлари, шунингдек хўжалик ичкарисидаги йўллар қуришга:

мактабгача тарбия ва маданий окартув муассасалар ҳамда пионер лагерлари учун харажатларга, шу жумладан маданий-маиший эҳтиёжлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда маданий-оммавий ишларни ўтказиш учун давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига белгиланган нормалар доирасидаги харажатларга:

страхование пулларини тўлашга (КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1978 йил 1 июндаги 499-қарорида кўзда тутилган тартибда).

Ҳар йили давлат бюджетининг лойиҳаларида мазкур колхозлар учун 3,3 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Ушбу қарорга мувофиқ ажратиладиган ва фойдаланилмай қолган маблағлар йил охирида қайтариб олинмай балки харажатларнинг шу бандида кўзда тутилган ишларни пул билан таъминлаш учун шундан кейинги йилга ўтказилади.

Молиявий аҳволни яхшилаш учун кам рентабелли ва зиён кўраётган колхоз ҳамда совхозларнинг СССР Давлат банки ссудалари бўйича илгари кечиктирилган, 1982—1985 йилларда тўланиши лозим бўлган ва СССР Давлат банки ссудаларига қайтарилиши таъминланмаган жами 11080 миллион сўм маблағни улар ҳисобидан чиқариб ташлашга, шунингдек СССР Давлат банки ссудалари бўйича қайтарилиши таъминланмаган жами 11080 миллион сўм миқдордаги қарзни тўлашни 1991 йилдан бошлаб ўн йил кейинга суришга қарор қилинди.

Кам рентабелли ва зиён кўраётган колхоз ва совхозлар СССР Давлат банки ссудалари бўйича процент тўлашдан озод қилинадилар, ссудаларни тўлаш муддатлари ушбу қарорга мувофиқ кечиктирилди.

Ушбу қарорга мувофиқ областлар, ўлкалар ва автоном республикалар бўйича ҳисобдан чиқариладиган қарзлар миқдори ва уни кечиктириш муддатларини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари белгилайдилар.

Совхозларда ва давлатга қарашли қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш фонди хўжалик фойдасининг 5 процентга миқдордаги ажратмаларини ҳисобига ташкил этиладиган ҳамда иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планидан ташқари капитал маблағлар ҳамда бошқа тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилажаги белгилаб қўйилди.

СССР Госплани, СССР Молия министрлиги, СССР Нарх давлат комитети, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, СССР Юстиция министрлиги ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан бирга колхоз ва совхозларда кенг кўламдаги такрорий ишлаб чиқаришнинг барқарор иқтисодий шарт-шароитларини таъминлаш максадида қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалик бошқа тармоқлари билан иқтисодий ўзаро муносабатларини такомиллаштириш тўғрисидаги норматив актларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек қишлоқ хўжалигига хизмат килувчи корхоналар, ташкилотларнинг фойдасини планлаштириш ва ундан фойдаланиш ҳамда уларнинг бюджет билан ўзаро муносабатларида амалга бўлган тартибга зарур ўзгартишлар киритиш топширилди. Бунда ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш сифати ҳамда муддатлари учун СССР «Госкомсельхозтехника»си, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Тайёрлаш министрлиги, «Союзсельхозхимия» корхоналари ва ташкилотларининг ҳамда хизмат соҳасидаги бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг моддий жавобгарлигини ошириш: колхоз ва совхозларга хизмат килувчи корхоналар ва ташкилотларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаб олинган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда юксак пировард натижаларга эришишдан, маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга етказишдан, колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ўстиришдан манфаатдорлигини кучайтириш кўзда тутилсин.

Район қишлоқ хўжалик бошқармалари каби район «Сельхозтехника» ва «Сельхозхимия» бирлашмаларини раҳбар ходимлар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш группаларига киритиш асосан хизмат килинаётган районларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация килиш (ишлаб чиқариш), ҳажмига боглиқ бўлади, деб қарорда кўзда тутилади.

СССР «Госкомсельхозтехника»си, «Союзсельхозхимия» район корхоналари ва ташкилотларининг, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли сув хўжалиги ва фойдаланувчи ташкилотларнинг ҳамда агросаноат бирлашмасига кирувчи бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларини мукофотлашнинг амалдаги тартибини ўзгартириб, мазкур ходимлар ва мутахассислар кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирганлик ҳамда хизмат килинаётган совхозлар ва колхозларда аввалги беш йилда эришилган даражага нисбатан фойда олишни оширганлик учун, йил мобайнида эса шартномадаги мажбуриятларни бажарганлик ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланганлик учун йил якунларига кўра мукофотланадилар деб белгилаб қўйилди. Бунда навбатдаги мукофотга тўланадиган пул миқдори ходимнинг йил мобайнидаги 1,5 ойлик окладидан ошмаслиги керак.

Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан янада тўлиқ фойдаланиш, шу маҳсулотларни сақлашни, қайта ишлашни ва истеъмолчиларга етказишни яхшилаш учун тайёрлов ташкилотларининг масъулиятини ошириш мақсадида СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ва Центросоюз ўн иккинчи беш йилликда чорва ва парранданди, сут, картошка, сабзавот, мева, резавор мева ҳамда узумни бевосита колхоз ва совхозларда қабул қилиб олишга ва уларни тайёрловчиларнинг транспортида хўжаликлардан ташиб олишга ўтишни тугаллашлари шарт.

1983 йилдан бошлаб тайёрлов корхоналари ва ташкилотларининг фаолиятига баҳо бериш, ана шу корхоналар ҳамда ташкилотларнинг раҳбар ходимлари билан мутахассисларини иқтисодий рағбатлантириш ва мукофотлаш фондларини ташкил этиш чоғида тайёрлаш планининг бажарилиш кўрсаткичи асосий кўрсаткичларнинг бири бўлади, деб белгиланди.

СССР Стандартлар давлат комитети ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига бошқа манфаатдор министрликлар ҳамда идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалигининг қайта ишловчи, тайёрловчи ва савдо қилувчи корхоналар ҳамда ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини тартибга солишда асос бўладиган нормативтехник ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш, тўлиқ фойдаланиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уни қайта ишлаб олинадиган маҳсулотлар сифатини белгиловчи тармоқлараро инспекциянинг бўлиши, улар зиммасига колхоз ва совхозлар реализация қилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати, стандартларга риоя этилиши, маҳсулотни харид қилиш, унинг сифатини ва унга тўланадиган ҳақнинг тўғри белгиланиши, нобудгарчилик ва маҳсулот бузилишининг олдини олиш устидан контроллик қилишни юклаш максадга мувофиқ деб топилди.

СССР Госплани, СССР Госснабга ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига манфаатдор министрликлар ҳамда идораларнинг иштироки билан агросаноат комплекси системасида планлаштириш ва моддий-техника таъминоти тартиби тўғрисидаги таклифларни уч ой муддат ичида ишлаб чиқиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кўриб чиқиши учун тақдим этиш топширилди, бунда қуйидаги асосий қоидаларга амал қилиниши керак:

Агросаноат комплексининг фаолияти шу комплексга тармоқларга ажратилган ҳолда яхлит қилиб планлаштирилади:

партия ва ҳукумат қарорларида белгиланган кўрсаткичларгина қишлоқ хўжалигида эса КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1980 йил 14 ноябрдаги 1032-қарорига мувофиқ белгиланган кўрсаткичлар планлаштирилади;

план топшириқлари зарур моддий ресурслар ва бошқа ресурслар билан таъминланади;

районлар, областлар, республикалар бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми шу маҳсулотларнинг белгиланган давлат харид планлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш заруррлигига амал қилиб, колхоз ва совхозларнинг планлари асосида тузилади;

моддий-техника таъминоти планлари колхоз ва совхозларнинг буюртмалари асосида тузилади.

Қарор СССР Давлат банки зиммасига колхоз ва совхозларнинг молия-хўжалик фаолияти, жорий ишлаб чиқариш харажатларига берилаётган кредитлардан ва капитал маблағлардан самарали фойдаланишлари устидан, шунингдек берилаётган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши устидан контроликни кучайтириш вазифасини юклайди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, ўлка, область ва район партия комитетларига автоном республикалар Министрлар Советларига, ўлка, область ва район ижроия комитетларига колхоз ва совхозларнинг иқтисодий ҳамда молиявий аҳволи тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўстиришни, меҳнат унумдорлигини оширишни, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришни ва маҳсулот таннархини пасайтиришни, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишни таъминлашга, бюджет маблағларидан ва СССР Давлат банкининг кредитларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш топширилди.

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

Ҳамкорлик

МОСКВА — ТОШКЕНТГА

Тошкент марказидаги катта қурилиш майдонида олиб борилаётган ишлар суръати кун сайин ошмоқда. Бу ерда Ҳ. Олимжон номли метро станцияси яқинида янги катта турар-жой комплекси барпо этилмоқда. Бу комплекс квартиралари яхши жойлаштирилган 16 қаватли уй, маиший хизмат ва савдо-сотиқ корхонаси, коммунал муассасалари, болаларнинг ўйин майдончалари ва спорт иншоотлари, ямяшил дам олиш зонасидан иборат бўлади.

Комплекс лойиҳасини Москва институтлари ва «Ташгипрогор» мутахассислари ҳамкорликда бажаришган. Москва тошкентликларга зилзила оқибатларини тугатиш учун биринчи бўлиб ёрдамга келди. Бугун москвалик қурувчилар яна Ўзбекистон пойтахтидалар — улар ана шу энг катта турар-жой комплексини қуришда меҳнат қилмоқдалар. Москва шаҳар партия комитети бюросининг қарорига мувофиқ Тошкентда намунали шаҳар массиви қад кўтармоқда. Бу қарор КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин ташаббуси билан кабул қилинган.

Москва шаҳар партия комитетининг секретари И. Н. Пономарев бошчилигидаги Москва қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари раҳбарларининг бир группаси ҳозир Ўзбекистон пойтахтига келди. Қурилиш графигини аниқлаш, бригада пудратини жорий этиш юзасидан катта ишлар қилинди. Шонли сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача комплексни ишга туширишни таъминловчи вазифалар белгиланди. (ЎзТАГ).

Я. АРАФАТнинг ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТАБРИГИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро кинофестивали комига Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия Комитетининг Раиси Ясир Арафатдан табрик телеграммаси келди. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтаётган фестивалингизга, дейилади табрикда, ўз озодлиги, ўз ери ва мустақиллиги учун курашаётган фаластинлик араб халқи номидан, шахсан ўз номимдан катта муваффақиятлар тилайман.

Бу фестивал, дейилади телеграммада, тинчлик, тараққиёт ва озодлик учун курашаётган барча халқларни жипслаштиришга даъват этилган. Кино халқларни империализм ва сионизмга қарши курашга отлантирувчи энг кучли идеологик куроллардан бири эканлигини фаластин халқи яхши билади.

Ясир Арафат фаластинлик кинематографчиларга кинофестивалда қатнашиш имконияти берилганлиги учун миннатдорчилик изҳор этди. (ЎзТАГ).

УЛКАН КИНО САРОЙИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро кинофестивали кунларида Ўзбекистон кинематографчилари ажойиб совға олишди — янги республика Кино уйининг эшиклари очилди. Бу комплекс Ўзбекистон пойтахтининг марказига ҳусн бўлиб тушди. Қурувчилар бу бинони Р. А. Ҳайриддинов бошчилигидаги бир группа тошкентлик архитекторларнинг лойиҳасига мувофиқ жуда қисқа муддатларда қуриб битказдилар.

Республикамиз пойтахтидаги Кино уйининг очилишида совет кинематографиясининг атоқли арбоблари (чапдан ўнг-га) — Л. Кулижанов, Т. Манарова, В. Басканов, Д. Орлов, С. Ростоцкий ва С. Герасимов иштирок этдилар. (ЎзТАГ фотохроникаси).

27 май куни Кино уйи тантанали равишда очилди. Тошкент анъанавий фестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари, шаҳар жамоатчилигининг, Ўзбекистон ижодий союзларининг намояндалари республика кинематографчилари байрамини бирга нишонлаш учун бу ерга келдилар. Совет Иттифоқи, шунингдек уч қитъа мамлакатлари кино санъатининг арбоблари лентани қиркиш фахрий ҳуқукини олдилар. Янги Кино уйи дарҳол турли мамлакатларнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган анжуман олижаноб шиори остида бирлашган экран усталари ижодий учрашувлари масканига айланди. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари тараққийпарвар кинематографиянинг вазифаларини биргаликда муҳокама қилиш учун айни шу ерда ўзларининг анъанавий муносаларарига тўпланадилар. Кино уйи кино бозорининг иш жойи ҳам бўлиб колди, бу ерда прокат ташкилотларининг вакиллари турли мамлакатларнинг фильмларини сотиб олишлари мумкин.

Тантанада сўзга чиққан СССР халқ артисти режиссёр Л. А. Файзиев бу бино ўз эгаларини айни халқаро кино санъати байрами чоғида қабул қилиши учун кўпдан-кўп куч ва ғайрат сарфлаган қурувчиларга Ўзбекистон кинематографчиларидан номидан самимий ташаккур изҳор этди.

— Ҳозир мамлакатдаги энг яхши кино уйларидан бири бўлган бу кошонани кўриб совет кино санъатининг барча арбоблари астойдил қувонмоқдалар, — деб уқтирди СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати Л. А. Кулижанов ўз нутқида. Бу кўркам иморатнинг қурилиши ўзбек кино усталари яратаётган асарларининг ғоявий ва бадиий савиясини янада оширишдек олижаноб ишга шак-шубҳасиз хизмат қилади. Бу уй ижод қилишга ва шоирона фикр-ўйларга илҳом беради. Биз ҳаммамиз ўзбек касбдошларимизнинг қувончига қўшиламиз.

— Биз Тошкентнинг олтмиш йил аввалги қиёфасини биламиз ва шунинг учун ҳам мўъжиза содир бўлди, бу мўъжизани Совет ҳокимияти, совет халқи юзага келтирди, деб дадил айта оламиз, — деди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, кинорежиссёр С. А. Герасимов. — Ҳозир Ўзбекистон пойтахти энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди, бу ин шоот ҳам кўпни қувонтиради. Унда партия билан Совет ҳукумати кинематографиямизга бераётган катта эътибор ва қилаётган ғамхўрлик ўзига хос тарзда ифодаланган. Кино уйи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланаётган йилда, дунёга коммунизм дорлоқ ғояларини, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ғояларини таратаётган мамлакатнинг юбилейи йилида қурилганлиги диққатга сазовордир. Шу ғояларнинг нури уч қитъа кинематографчилари ҳозирги учрашувини ҳам ёритиб турибди. Янги кино уйи мамлакатимизда содир бўлган жуда катта ўзгаришларнинг реал ифодасидир. Фестиваль меҳмонлари Ўзбекистон миллатининёқол кўриб турибдилар.

Янги Кино уйидаги тантаналар охирида Тошкентда ўтказилаётган анжуманга бағишланган «Дўстлик ва тинчлик фестивали» номли ҳужжатли лента кўрсатилди.

Кино комплекси тантанали очилишида қатнашган кишилар рассомлар асарларининг шу ердаги виставкасини мароқ билан томоша килдилар. Кўргазмага қўйилган асарлар орасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Б. Жалолов, Д. Рўзибоев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ж. Умарбеков мўйқаламига мансуб полотнолар бор. Кўргазмага қўйилган ҳамма асарлар кино санъати билан боғланган, улар фильмларга тайёрланган эскизлардан, атоқли экран усталарининг портретларидан, ҳайкаллар, график саҳифалардан иборат.

Фойега кинематографиянинг танқили арбоблари — ўзбек киносининг отахонлари — Э. Ҳамроев, Х. Девонов, К. Ёрматов ва бошқаларнинг фотопортретлари қўйилган. (ЎзТАГ).

АДОЛАТ ПОСБОНЛ

Тўққизинчи чақириқ Бутунроссия Марказий Ижроия Қо-митетининг III сессияси 1922 йил 28 майда қабул қилган қарор билан давлат прокуратураси таъсис этилганига 60 йил бўлди.

Маълумки, совет прокуратурасининг тузилиш принципларини В. И. Ленин «Икки томонлама» бўйсуниш ва қонунчилик тўғрисида» деган мактубида белгилаб берган эди. Бу мактубда қонунчилик тўғрисидаги асосий қоидалар баён қилинган бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. «...Калуга ва Қозон қонунчилиги бўлиши мумкин эмас, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — балки ягона Бутунроссия ва ҳатто бутун Совет Республикалари Федерацияси учун ягона қонунчилик бўлиши керак».

В. И. Ленининг «Икки томонлама» бўйсуниш ва қонунчилик тўғрисида»ги ҳати партиянинг социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги барча қарорлари ва қонун актларининг асоси бўлди, прокурор назорати бирлиги ва марказлаштирилиши, унинг маҳаллий органлардан мустақиллиги ва фақат марказга бўйсуниши тўғрисидаги ленинча ғоя ана шу мактубда баён қилинган эди. В. И. Ленининг бу ғоялари Асосий қонунда — СССР Конституциясида амалга оширилди.

Партия ўзининг синалган ходимларини прокуратурага ишга юборди. Уларнинг кўплари бевосита гражданлар уруши фронтларидан прокуратурага келдилар. 1922 йил декабрида ССР Иттифоқи ташкил этилиши ягона қонунчилик ва ягона ҳуқуқ системасини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи босқич бўлди. Совет прокуратураси ташкил этилган дастлабки кунданоқ, Коммунистик партия раҳбарлигида қонунчиликка риоя қилинишини актив назорат қилиб бормоқда, социализм қурилишида партия ва давлатимизга ёрдам бериб, жиноятчиликка қарши қатъий кураш олиб бормоқда.

Кейинги йилларда партия Марказий Комитети ташаббуси билан қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасида жуда кўп ишлар қилинди. Чунончи, СССР Олий Совети сессияси 1979 йил 30 ноябрда «СССР прокуратураси тўғрисида» қонун қабул қилди. Прокуратура фаолиятини ташкил этишнинг 1977 йилги СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ленинча принциплари бу қонунда тўла аксини топди.

Коммунистик партия социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилинишини таъмин этишни, жиноятчиликни ва уни келтириб чиқарувчи сабабларни тугатишни муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Совет кишиларини қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиш, ҳар қандай суиистеъмолга қарши кураш олиб бориш руҳида тарбиялашнинг аҳамиятини таъкидламоқда.

«Қонунчиликни мустаҳкамлаш, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев — бу фақат давлат аппаратининг вазифаси эмас. Партия ташкилотлари, касаба союзлари, комсомол қонунларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш учун ҳаракатларини ишни қилишлари, меҳнаткашларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилашлари керак. Ҳуқуққа, қонунга ҳурмат ҳар бир кишининг шахсий эътиқодига айланмоғи лозим». КПСС XXV ва XXVI съездларининг қарорларига мувофиқ равишда социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ишларни яхшилаш ва ҳуқуқ бузишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш практикаси чуқур ва ҳар томонлама умумлаштирилди, камчиликларнинг сабаблари

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЙ (1982 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИГА ЖАВОБАН ДАЛА ИШЛАРИНИ ТОБОРА ҚИЗИТМОҚДАЛАР.

СССР 60

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

ҒИЖДУВОН (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Район меҳнаткашлари бу йил 80 минг тонна «оқ олтин» етиштириш, бунинг учун ҳар гектар ердан 52 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилдилар. Хўжаликларда ғўзаларни яганалаш деярли тугалланди. Ҳар гектар майдонда 140—145 минг туп ниҳол ўстиришга қолдирилди.

Район касаба союз ва комсомол ташкилотларининг активлари органик ўғитлар тўплашни кучайтириш ташаббуси билан чиқдилар. Уларга 450 та қоқ машинаси, 630 та прицепли трактор ва бошқа механизм-агрегатлар ажратиб берилди. Махсус бригадаларнинг аъзолари чорва комплекслари, яйловлари, колхозчиларнинг молхоналари, қўйхоналари, паррандахоналаридан кўплаб органик ўғитлар ташиб чиқармоқдалар. Район бўйича ҳар гектар ер ҳисобига ўртача 25—30 тонна маҳаллий ўғитлар солиш тадбирлари белгиланиб, амалга оширилмоқда.

Карл Маркс номли колхознинг Тожикурбон Нуров бригадасида ғўзаларни минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш усуллари ҳақида кўргазмали семинар ўтказилди. Бригада бўйича ҳар гектар ерга 450 килограмм азотли, 350 килограмм фосфорли ўғитлар гўнг ва кўй қийига аралаштирилиб, ғўза катор ораларига солинди. Кетидан суғорилиб, сифатли культивация қилинди. Натижада ўсимликнинг ўсиши ҳамда ривожланиши тезлашди ва кийғос шонага кира бошлади. Бегона ўтлар, қишлоқ хўжалик зараркунандалари бутунлай йўқотилиши туфайли ниҳоллар озуқа, сувдан тўла баҳраманд бўляпти.

Райондаги «Коммунизм», Энгельс номли, С. Айний номли, Калинин номли, «Гулистон» колхозларида ҳам органик ўғитлар жамғариш, ғўзаларни озиқлантириш мунали олиб борилмоқда.

— Ғиждувонлик пахтакорлар бир сўзли кишидир, — дейди «Гулистон» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Ҳамроева, — улар сўз бердиларми устидан чиқадиган иш, ваъда қилдиларми бажарадилар. Пахта ҳосилдорлигини кўтаришда органик ўғитларнинг аҳамияти жуда каттадир. Бу йилги шароитда ҳар гектар майдонга 25—30 тонна органик ўғитлар солиш, комплекс парваришни бирига уйғунлаштириб, ишлаётган деҳқонлар мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратадилар. Бу эртаги ва келгуси юқори ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бўлади. Биз бригадамиз бўйича ҳар гектар ерга 40 тоннадан органик ўғитлар солиб, пахта ҳосилдорлигини 65 центнерга кўтарамиз.

Районнинг барча хўжаликларида органик ўғитлар тўплаш ва минерал ўғитлар билан аралаштириб, ғўзаларни озиқлантириш энг қулай агротехника муддатларида ўтказилмоқда.

Х. ҚОДИРОВ.

БАРАВЖ НИҲОЛЛАР

«СССР 50 йиллиги» колхози Қамаши районида юқори ҳосилли хўжаликлардан биридир. Колхоз заршунослари бу йил 650 гектар ерда ғўза ўстирмоқдалар. Далаларда техниканинг гуруллаган овози бир зум ҳам тинмайди. Мавжуд 17 та механизм билан ниҳолларга пешма-пеш ишлов бериляпти, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилянти.

Республикадаги бир группа олтмиш центнерчи бригадалар ташаббусига қўшилган Эшмўмин Жўраев, Норқора Эрдоновлар бошлиқ бригадаларда ғўзалар шоналай бошлади. Эшмўмин Жўраев бошлиқ бригада заршунослари бу йил 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқда.

Бригадада дала ишлари яхши ташкил этилмоқда. Меҳанизаторлар Ҳолмамат Менглиев, Тўра Эшбоевлар ғўзанинг учинчи парваришини бошлаб юборишди. Сувчилардан Мустафо Норбўтаев, Рўзимурод Искандаров, Берди Маматовлар меҳнати ҳам тахсинга лойиқ бўляпти. Улар барча майдондаги экинни дастлабки суғоришда чиқаришди.

Шунингдек, колхознинг Раҳматилла Бобоқулов, Ашур Иброҳимов, Кенжа Тўқлиев бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза бир текис ривожланмоқда. Дала гвардиячиларидан С. Тўхтаев, С. Жўраев, Е. Худойқулов, Д. Раҳмоновлар қатор ораларига сифатли ишлов бермоқдалар.

«Сув зар — сувчи заргар». Миришкор сувчилар бу ҳалқ мақолининг маъзини чиқиб, ниҳолларни агротехника қоидалари асосида суғоришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу борада тажрибали сувчилардан Кенжа Тоштемиров, Эрмурод Бойжуродов, Дилмурод Юсуповлар ибрат кўрсатяптилар.

— Хўжалигимиз пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар гектаридан 45 центнердан дурдона етиштиришга аҳд қилишган, — дейди колхоз раиси Ф. Юсупов, — ғўза парваришни ҳам ана шу аҳдга яраша уюштирилмоқда. Дала ишларини ҳам ташкилий, ҳам сифат жиҳатидан яхши уюштириш мақсадида меҳнат аҳли ўртасида социалистик мусобақа тобора қизитилмоқда. Бу борада нарядсиз системага ўтиб ишлаётганимиз қўл келмоқда. Ҳозир барча бригадалар аъзолари янги усул билан меҳнат қилмоқдалар. Бу эса колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг ғайрат ва шижоатини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга ғўза парваришида юксак сифат ва меҳнат унумдорлигини ҳам таъминлаётир.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилди:

Бекобод райони — район партия комитети секретари Э. Ҳ. Ҳатамов, район ижроия комитети раиси З. К. Қодиров, район комсомол комитети секретари М. Расулов, бош пиллахона директори К. Жумаев.

Калинин райони — район партия комитети секретари Р. Қ. Ҳамбаров, район ижроия комитети раиси А. А. Абдуқосимов, район комсомол комитети секретари А. Абдурраҳмонов, бош пиллахона директори Б. Сапарбоева.

ПИЛЛА ДАВЛАТГА

Районда биринчи

Навоий номли колхоз пиллакорлари Тошкент районида биринчи бўлиб давлатга пилла сотиш планини бажардилар. Қабул пунктларига 13000 килограммдан зиёд ғалвирсифатли «кумуш тола» етказиб берилди.

Колхознинг моҳир пиллакорларидан Зебо Султонова, Матлуба Шерапиева, Озода Ҳасановалар ҳар қути қурт уруғидан 110—120 килограммдан пилла топширдилар. Хўжаликда пилла топшириш давом этмоқда.

— Колхозимизда пилла тайёрлаш плани бажарилган бўлса-да, ҳали қуртхоналарда тарилмаган пилламиз кўп, — дейди колхоз раиси Нодир Боймуҳамедов. — Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, пилладан ташқари яна 4000 килограмм пилла топширишга аҳд қилдик. Шунда колхоз бўйича ўртача ҳар қути қурт уруғидан олинган «кумуш тола» 85 килограммга етказилади.

А. НАБИҲЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Айни кунларда «СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта»нинг 29-ҳафтасида ишлаётган ҳар бир ишчи, деҳқон, ҳар бир ташкилот ва корхонанинг ишлаётганлари ўз ишларини ана шундай ёрқин ва ҳаракатчан ишлаётганлиги ҳаммамизнинг ишимизнинг ҳаракатини ва

ҚИТЪА

Тошкент кинофестивалида дунёнинг деярли барча мамлакатларидан вакиллар иштирок этмоқда. Масалан, Болгария Халқ Республикасидан бир группа таниқли кинематографчилар, маданият арбоблари ва пропаганда органларининг ходимлари ташриф буюришди.

Суратда: [чапдан] фестивал қатнашчилари ва меҳмонлари: Абдул Азиз Аль Хаддад [Ирок], Тика Симха [Непал], Шухрат Аббосов [Ўзбекистон], Н. Величкова, Л. Добрева, В. Янкова-Милошева ва Ю. Минчева [БХР].

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ)

СЎЗ — КИНОФОРУМ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ДАЪВАТ

С. РОСТОЦКИЙ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати

Тошкент кинофестивалига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан берилган таърифлар ғоятда тўғри ва илҳомбахшлиги билан бу ерга ташриф буюрган барча санъаткорларни хурсанд қилди. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги замон кинематографиясининг бош мавзуларидан бири инсонга хизмат қилиш, унинг орзу-умидларини, ўй-режаларини, севги,-муҳаббатини, курашини, меҳнатини тасвирлашдир.

Уч қитъа кинофестивалининг шиорида олға сурилган ғояларга хизмат қилиш ҳозирги давр киночиларининг бурчидир. Совет кино ходимлари ўз ижодлари билан бу соҳада ҳамма вакт байроқдор бўлиб келишганлиги ва келаётганлиги ҳаммага маълум. Улкан кинофорумда қатнашаётган Закавказье, Ўрта Осиё республикалари, Козоғистон, шунингдек, РСФСР-нинг Осиё қисмида жойлашган киностудиялар ходимлари совет кинематографиясининг ана шундай ютуқларини ўзига хос намойиш этишмоқда. Шунинг учун қардошларимизни мамнуният билан табриклаймиз.

Кинофестиваль кунлари ўтаётган «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуидаги ижодий баҳс-мунозара самимийлиги, дўстоналиги ва малакали фикрларга бойлиги билан эътиборга сазовар бўлаётир. Дискуссия иштирокчилари ажойиб таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташлашяпти. Кейинги йилларда яратилган картиналарни баҳоли-қудрат таҳлил қилиб беришмоқда. Бу давра, айниқса, ёш мамлакатлар кинематографчилари учун катта аҳамият касб этаётир.

Тошкент анжуманининг ўтган олтитасидан чиқарадиган хулоса шуки, уч қитъа кинематографчилари экранлаштираётган фильмлар орасида кинофорум шиорига жавоб берадиган асарлар йўқ эмас, бор. Лекин биз кутганчалик, фестиваль ташкилотчилари мўлжалидагидек кўп эмас. Шунинг учун мен чет эллик илғор фикрли, прогрессив кинематографчиларни, дўстларимизни янада активроқ ишлаша, ҳозирги давр ижодкори олдида турган вазифани янада мукаммал бажаришга даъват этаман.

ШАРОФАТ

Жалолиддин БЕҲРУЗ,
режиссёр [Афғонистон]

Ён қўшнимиз — жон қўшнимиз Ўзбекистон пойтахтида ўтаётган улкан кинофорум қатнашчилари ва меҳмонларини, фестиваль мезбонларини озод Афғонистон Демократик Республикаси санъаткорлари номидан чин қалбдан табриклайман.

Биз бу ерга эзгу ниятлар билан келганмиз. Эндигина шаклланиб келаётган кино санъатимизнинг янада активроқ ривожланиши учун нималар қилиш кераклиги, қайси йўлдан дадил ва олға бориш тўғрисида, профессионал ижрочиликни, режиссурани яхши ўзлаштириш учун қандай манбалардан фойдаланиш ҳакида устоз санъаткорларнинг фикр-маслаҳатларини эштяпмиз.

Мен шунинг учун хурсандманки, Тошкент кинофестивали сабаб бўлиб, Сергей Герасимов, Лев Кулижанов, Станислав Ростоцкий, Суймонкул Чўкморов, Асанали Ашимов, Шухрат Аббосов каби машҳур совет санъаткорларини кўриб, улар билан учрашишга муяссар бўлдим.

Тошкент фестивали ижод ва маҳорат мактаби ҳамдир!

ЕДГОРЛИКЛАР — ХАЛҚ МУЛКИ

МУҚАДДАС БУРЧ

«Сизлар Ибн Сино, Навоий, Улуғбек номлари билан боғлиқ ёки Самарқанд, Бухоро, Хиванинг меъморчилик ёдгорликларида мужассамлашган қадимий маданиятнинг ноёб анъаналарини ҳақли равишда эҳтиёт қилиб асраб, ардоқлаяпсизлар. Аммо сизлар башарти ўз маданиятингизни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан, социализмнинг маънавий бойликлари билан, бошқа қардош халқларнинг тажрибаси билан қўшайтира олмаганингизда, бу камлик қилган бўлур эди».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан, бизда қадимги маданий ва тарихий обидаларнинг назорат қилиб борилиши ва кўз қорачиғидек сақланишига, лозим бўлган тақдирда эса таъмирланишига жуда катта аҳамият бериб келинаётир.

Республика маданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти Жиззах область Совети ҳам бу борада ишлар кўламини кенгайтириш, сифатини тубдан яхшилаш юзасидан эътиборга лойиқ тадбирларни амалга оширмоқда. Тарғибот ишининг яхши йўлга қўйилганлиги жамият аъзолари сафи кўпайишини таъминлаётир. Бу жиҳатдан айниқса Жиззах шаҳри, Фориш, Зарбдор, Мирзачўл, Жиззах, Бахмал, Ғаллаорол районлари олдинда бормоқда.

Сўнгги пайтларда жойлардаги маданий ва тарихий обидалар ёнида, монументал ёдгорликлар қад кўтарган майдонларда халк сайиллари, маданий тадбирлар, тематик учрашувлар ўтказиш анъана тусига кириб колди. Айниқса, жанговар ва меҳнат шонушҳрати ёдгорликлари майдонларида ўтказиладиган маросимлар хотирада бир умрга сакланиб колади. Бундай маросимларда мактаб ўқувчилари пионер сафига қабул қилинади, ёшларга комсомол билетлари тақдим этилади, чакирилувчилар Совет Армияси сафларига кузатилади.

Тарғибот-ташвиқот ишларининг юксак савияда ўтказилишига жамиятнинг жамоатчи активлари муносиб хисса қўшмоқда. Ўтган йили область «Билим» жамияти аъзолари ва актив жамоатчилар олий ва ўрта махсус ўқув юртлари педагог ҳамда талабаларининг ёрдамида етти юзга яқин лекция ва докладлар ўқиб, турли темаларда суҳбат ва консультацциялар уюштиришди.

Маҳаллий матбуотда мақолалар эълон қилиш, радио ва телевидение орқали суҳбатлар уюштириш билан бирга тарихий обидалар билан яқиндан таништириш мақсадида махсус экскурсия маршрутлари ташкил этилди. Серқуёш республикамизнинг Самарканд, Бухоро, Фарғона, кардош Тожикистон ССРнинг Ленинобод шаҳарларига сафар қилиш йўлга қўйилди.

Ўтган вакт мобайнида область территориясида мавжуд бўлган тарих, археология, архитектура, санъат обидалари тўла-тўкис аниқланиб рўйхатга олинди ва барча маълумотлар жамиятнинг республика правлениясига тақдим қилинди. Шу йилнинг январидан ҳар бир кўҳна обида ўз паспортига (ҳисоб карточкаси ва суратига) ҳамда доимий мутасаддиларига эга бўлди. Оталик ташкилотининг бири ўзига бириктирилган ёдгорлик ремонтини ўтказса, иккинчиси эса барча маданий тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди.

Ўтган йили Жиззах шаҳрининг бош майдонида пролетариат йўлбошчиси В. И. Ленининг улуғвор ҳайкали, «Дўстлик» майдонида эса КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Р. Рашидовнинг бюсти қад кўтарди. Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхози марказида само лочинлари В. Н. Волков, В. И. Пацаев, Г. Т. Добровольскийларга, Мирзачўл районида эса космонавтика пионери Ю. А. Гагаринга ҳайкал ўрнатилди.

Халқ мулки ҳисобланган кўҳна обидаларни асраб-авайлаш, маданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Р. ЮНУСОВ.

СПОРТ

● **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Сочида югуриш ва сакраш бўйича шаҳар ижроия комитети совғини учун Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Унда Тошкентлик А. Харлов 400 метрга тўсиқлар оша югуришда 50,29 секундли натижа кўрсатиб, маррада биринчи бўлди.

● **ЧИМ ХОККЕЙ.** Аёллар командалари ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Москвада жисмоний тарбия институти коллективи билан учрашган Тошкент областининг «Политотдел» қизлари (2:0, 2:1) имкониятни бой беришди. «Андижанка» хоккейчилари эса Борисполнинг «Колос» коллективи билан дасталабки учрашувда (2:1) ғалаба эришиб, очколарини 11 тага етказишди.

● **ФУТБОЛ.** Финляндияда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Европа чемпионатининг саралаш ўйинлари якунланиб, ярим финалчилар аниқланди. Совет командаси ярим финалда ЧССР футболчилари билан учрашади. Совет футболчилари сафида пахтакорчи Ф. Исломов ҳам бор.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Кучлилар, довюраклар, эпчиллар. 10.25 — Нон таъми. Бадиий фильм. 4-серия. 11.40 — Концерт. 12.00 — Олимлар — қишлоққа. 12.35 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.35 — Концерт. 17.00 — Подмосковье учрашувлари. 17.30 — Қайсарлар байрами. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.00 — Ёшлар ижоди. 19.45— Чегарачилар кунига. 20.00 — Концерт. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.15— Чегарачилар кунига бағишланган концерт. 23.50 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.40 ва 13.10 — СССРнинг монументал санъати. 10.10 ва 12.10 — Инглиз тили. 10.40 — М. Шолохов қаҳрамонлари саҳнада. 11.20 — Табиатшунослик. 11.40 — М. Горький. Она романи. 12.40 ва 13.40 — Тарих. 14.15 — В. Овечкин асарлари саҳифаларида. 15.00 — Илмий-оммабоп фильм. 15.20— В. А. Жуковский. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильмлар. 19.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.00 — Спорт мусобақаси. 21.30 — Время. 22.15 — Бир йилнинг тўққиз куни. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ўйлаб топ. 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Йўлбарс. Бадиий фильм. 13.45 — Замандас. 18.05 —Мультфильм. 18.20 —Партия турмуши. 18.50 — Қизилқумда баҳор. Телефильм. 19.00 — Бугун — чегарачилар куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Дунё воқеалари. 22.45 — Уч қитъа экрани. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 17.50 — Реклама. 18.00 — Марҳабо. Май. Музикали программа. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Физика. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 6.30 — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Е. Хотамова ва Н. Ҳамроқулов куйлайди. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Совет прокуратураси — 60 ёшда. 11.25 — Композитор С. Бобоев ижоди. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 —Табаррук замин. 19.25 — Ёшлик. 20.15 — Кинофестиваль ҳамроҳи. 21.15 — Қишлоқ хўжалиги ходимларининг талабларига бинобан концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1982—83 ўқув йили учун
СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи факультет қуйидаги ихтисосликлар бўйича инженерлар тайёрлайди: темир йўл транспортини электрлаштириш, темир йўл транспортида автоматика, телемеханика ва алоқа, тепловозлар ва тепловоз хўжалиги, вагонсозлик ва вагон хўжалиги, темир йўл транспортида юк ташиш жараёнларини бошқариш, темир йўл қурилиши, йўл ва йўл хўжалиги, саноат теплоэнергетикаси, саноат ва граждан қурилиши, сув таъминоти ва канализация, темир йўл транспортининг экономикаси ва уни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

Қуйидаги ихтисосликларга кирувчилар фақат шу ихтисосларга мувофиқ келувчи ўрта махсус, ўрта ҳунар-техник маълумотига эга бўлишлари ёки олий ўқув юртида ушбу соҳа ёки ушбу соҳага яқин ишда ишлаётган бўлишлари шарт: темир йўл транспортини электрлаштириш, темир йўл транспортида автоматика, телемеханика ва алоқа, тепловозлар ва тепловоз хўжалиги, вагонсозлик ва вагон хўжалиги, темир йўл транспортининг экономикаси ва уни ташкил этиш, саноат теплоэнергетикаси.

Талаб катта бўлган қуйидаги ихтисосларга темир йўл транспортида автоматика, телемеханика ва алоқа, тепловозлар ва тепловоз хўжалиги, вагонсозлик ва вагон хўжалиги, темир йўл транспортининг ташиш жараёнларини бошқариш, темир йўл қурилиши ва йўл хўжалиги мутахассисликларига ўрта мактабни олтин медаль билан, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларини ушбу соҳа ёки шу соҳага яқин соҳа бўйича имтиёзли диплом билан битирганлар, шунингдек ихтисослар бўйича кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатда (уч баҳоси бўлмаган) ўртача бали камида 4,5 бўлганлар иккита кириш имтиҳони: математика (ёзма) ва физика (оғзаки)дан 8 балл олган тақдирда институтга қабул қилинади.

Барча ўта зарур бўлмаган ихтисосларга кирувчи медалист талабалар учун математикадан (ёзма), бухгалтерия ҳисоби ихтисоси бўйича ўқишга кирувчилардан математикадан (оғзаки) имтиҳондан «5» (беш) баҳо олганлар қабул қилинади.

Аризалар 31 августгача қабул қилинади; кириш имтиҳонлари 15 сентябргача ўтади. Қабул 21 августдан 20 сентябрга ўтказилади.

Институтга кириш учун аризалар ТашПИТ қабул қилиш комиссияси номига қуйида кўрсатилган адреслардан бирига юборилади:

700045, Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй, ТашПИТ (ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент, Ховос ва Фарғона бўлимига хизмат кўрсатади);

744007, Ашхобод шаҳри, Кемине кўчаси, 69-уй, Ашхобод филиали (Ўрта Осиё темир йўлининг Ашхобод, Мари, Чоржўй ва Қорақалпоқ бўлимларига хизмат кўрсатади).

734012, Душанба шаҳри, Ленин кўчаси, 16-2, Душанба ЎКП (ўрта Осиё темир йўлининг Душанба, Бухоро, Қарши ва Термез бўлимларига хизмат кўрсатади).

Консультацциялар учун институт, филиал ва ЎКП қабул комиссияларига мурожаат қилиш мумкин.

Телефонлар: институт ректори — 91-14-40, сиртқи факультет декани — 91-05-36, 40-78, қабул комиссияси — 99-05-91, 25.

Тошкент область матлубот жамиятининг
ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982 — 83 ўқув йилига
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ошпаз-кулиннарлар (IV разрядли), тайёрловчилар, озиқ-овқат ва саноат молларининг сотувчилари, контролёр-кассирлар, кондитерлар (IV разрядли).

ЎҚИШ МУДДАТИ: ошпаз-кулиннарлар ва кондитерлар учун икки йил бўлиб, 8 ва 10-синф маълумоти бўлган йигит-қизлар қабул қилинади;

сотувчилар, контролёр-кассирлар, тайёрловчилар учун бир йил бўлиб, ўрта маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади:

Ўқишга қираётганлар область, район ёки қишлоқ матлубот жамиятининг йўлланмаси бўлган тақдирда суҳбат ўтказиб йўли билан қабул қилинадилар.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 25 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мандат комиссияси 15 — 25 август кунлари ўтказилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), область, район ёки қишлоқ матлубот жамиятининг йўлланмаси.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар: ошпаз-кулиннарлар, озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчилари, кондиторлик, кассир-контролерликка ўқиётганлар 32 сўм, тайёрловчиликка ўқиётганлар эса 70 сўм стипендия оладилар. Қизлар учун ётоқхона ажратилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киритилади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Путилов кўчаси, 210 «а»-уй (16-автобуснинг «Касб касалликлари институти» бекати).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги
40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

минорали кран машинистлари, экскаватор машинистлари, бульдозер машинистлари, автокранчилар («С» категорияли шофёрлик ҳуқуқи билан), автослесарлар, дурадгорлар, бўёқчилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА 1—3 ЙИЛ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар ҳамда қизлар (минорали кран машинисти касбига) қабул қилинади.

Қабул қилинганлар 75 сўм (автослесарь, дурадгор, бўёқчи—30 сўм) **стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги маошининг 50 проценти билан таъминланадилар.**

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар давлат таъминотида бўладилар (форма кийими ва махсус кийим-кечак, ҳамда 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар).

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчилар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар ва кириш имтиёзлардан фойдаланадилар.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШТИРИЛГАНИДАН СУНГ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, паспорт (туғилганлик гувоҳномаси), маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (гувоҳнома), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, соғлиги ҳақидаги справка (286 форма), 3х4 см. ҳажмли 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00гача қуйидаги адресга қабул қилинади:** Тошкент шаҳар, Луначарское шоссеси, 69-уй (1, 1«з», 4, 17«з», 24«з», 63 автобусларнинг «М. Горький метро станцияси» бекати, 17, 18-троллейбусларнинг «Партия мактаби» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ИШГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИГА

бош механик, бош бухгалтер ,катта бухгалтерлар, бухгалтерлар, молиявий ишлар бўйича иқтисодчи, техник инспекторлар, катта прораблар, прораблар, мастерлар, таъминот бўлимининг бошлиғи, катта товаршунос, таъминот бўйича агент, техниклар, агрегатлар ремонти бўйича слесарлар, автокран ҳайдовчилари, слесарь-мотористлар, шеф-монтаж летучка вагонларининг проводниклари.

УРТА ОСИЁ, УРАЛ ВА ҚОЗОҒИСТОН РАЙОНЛАРИДА ТЕМИР ЙУЛЛАР ҚУРИЛИШИГА ВА ТЕМИР ЙУЛЛАРНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА:

ВПО-3000 бошлиқлари, ВПО-3000 тўғрилаш-мустаҳкамлаш-пардозлаш машиналарининг машинистлари, ВПР ва ВПРС машиналарига инженер-технолог, ВПР ва ВПРС машиналари, дам олиш учун мўлжалланган классли вагонларнинг проводниклари, контакт тармоғи таянч устунлари учун зовур қазийдиган ДГКУ дрезинаси базасидаги зовур қазувчи қурилманинг машинистлари ва машинист ёрдамчилари, УК-25 пўлат из ётқизувчи кранларнинг машинистлари: электробалластер машинистлари, электр слесарлар, электр пайвандчилар.

Бошқарма ходимлари 11 ой ишлаганларидан кейин ўзига ва қарамоғидаги бир кишига бепул темир йўл билети берилади. Меҳнат ҳақи — мавсумий-мукофотли ва ишбай-мукофотли. Йўл ходимларига турар жой умумий асосларида навбати билан машиналар ишлаётган ерда берилади. Ишнинг кўчма характерга эга бўлганлиги учун тариф ставкасининг 50 проценти миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пунктга, Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга.

ВАСХНИЛнинг Урта Осиё бўлими
КАРТОШКА ВА САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лаборатория мудирлари: полиз экинлари селекцияси, сабзавот экинлари.

Конкурс муддати — 7 июнгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702015, Тошкент области Тошкент райони, Қозоқкенсой алоқа бўлими.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/V да **Ҳар тўқисда бир айб**, 30/V да **Келинлар нўзголони** (12.00), **Ҳар тўқисда бир айб** (19.30).

Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети Ўзбекистон ССР меҳнат давлат комитетининг раиси, Ўзсовпроф аъзоси

Қаюм МУРТАЗОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ВЦСПСнинг Бутуниттифоқ меҳнат муҳофазаси илмий-тадқиқот институтининг Тошкент шаҳридаги филиали коллективи саноат вентиляцияси лабораториясининг мудири, техника фанлари кандидати А. Ҳ. Музаффарова онаси

Ҳайринисо МУЗАФФАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Политехника институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари, ижтимоий фанлар факультети ва КПСС тарихи кафедрасининг коллективи шу кафедранинг доценти, тарих фанлари кандидати Н. Ҳасанова отаси

Ҳасанота ҚОСИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1930 йилдан КПСС аъзоси.

Ҳосият Ниёзовна САЛИМОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назариясе пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-28; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-18, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01986. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 125. 10